

Ҳофиз муҳаддис Ибн Шаҳин таълиф этган асарларнинг кўплиги



16:04 / 29.12.2019 2193

Ҳофиз Заҳабий «Тазкиротул Ҳуффоз»да ҳижрий 297 йилда туғилиб, 385 йилда 88 ёшда вафот этган муҳаддис Ибн Шаҳиннинг таржимаи ҳоли ҳақида қуйидагиларни айтган: «У ҳофиз, кўплаб фойда келтирган имом, Ироқ муҳаддиси, Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ибн Усмон Бағдодий Ибн Шаҳин номи билан танилган воиз бўлиб, жуда кўплаб таснифотларнинг соҳибидир. Унинг шогирди Абул Ҳасан Муҳтадий Биллаҳ айтади: «Бизларга Ибн Шаҳин шундай деган эди: «Мен 330 та асар тасниф этганман, улардан «Тафсирул кабир» 1000 жуз, «Муснад» 1300 жуз, «Тарих» 150 жуз, «Зухд» 100 жуздан иборат.

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан